



“ТАСДИКЛАЙМАН”

Инновацион дейиша рахбари

Д.У.Арипов

“ _____ ” _____ 2022 й.

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

1. Умумий ҳолат

- 1.1. Ушбу танлов ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2. Танлов мавзуси “Фаолият курсатиётган судьяларни фаолияти баҳолавчи веб сайт яратиш” хизмати.
- 1.3. Танлов қиймати — 36 000 000 (ўттиз олти миллион) сўмни ташкил этади. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.4. Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
- 1.5. Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари – онлайн равишда.

2. Танлов ташкилотчилари

- 2.1. Буюртмачининг номи - Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби (бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади).
- 2.2. Комиссиянинг ишчи органи - танлов комиссияси (бундан кейин —“комиссия”) ҳисобланади.
- 2.3. Танлов буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин, 4.2-бандда кўрсатилган шахслар бундан мустасно.

4. Танловни ўтказиш тартиби

- 4.1. Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:
 - а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (ёки юклаб олиш);
 - б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тендер таклифини такдим этиш;
- 4.2. Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади:
 - а) қайта ташкил этиш учун тугатиш жараёнида бўлган ёхуд унга банкротлик таомилларининг бири қўлланилган бўлса;
 - б) буюртмачи билан суд жараёнлари олиб борилаётган бўлса;

- б) буюртмачи билан суд жараёнлари олиб борилаётган бўлса;
- в) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлса.
- г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар, имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ҳамда банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар.

4.3. Агар иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги (собик) мансабдор шахсини ёки ходимини (бошқа давлат органини) ҳар қандай шаклда иш ҳақи таклифи ёки бошқа ҳар қандай бошқа қимматбаҳоликлар ёхуд хизматларини таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса, давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатини амалга оширса, бирор қарор қабул қилса ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўлласа, буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларидан четлаштиради.

5. Танлов тили, ўлчов бирлиги.

5.1. Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак. Танлов таклифи ўзбек ёки рус тилида аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак.

6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

- 6.1 Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.
- 6.2 Иштирокчи тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.
- 6.3 Иштирокчи барча танлов ҳужжатларини ўзи тайёрлаши керак, улар сканерлаштирилган шаклда тақдим этилиши керак, раҳбарнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.
- 6.4 Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади.
- 6.5 Техник таклиф қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак. Хусусан: техник ҳужжатлар рўйхати (техник маълумотлар варақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлик ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).
- 6.6 Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

7. Таклифлар бўйича танлов тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари

- 7.1. Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида, сайтда кўрсатилган вақт ҳисобланади.
- 7.2. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган танлов таклифларини баҳолаш бўйича танлов комиссияси шуғулланади.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, танлов комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолашни рад этишга ҳақли.
- 7.4. Танлов комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.
- 7.5. Танлов комиссияси агар танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиларининг таклифи бўйича танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.
- 7.6. Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу жараён белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятини, шунингдек нархини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
- 7.7. Танлов ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

8. Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги (махфийлик)

- 8.1. Иштирокчилар таклифларининг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш комиссия аъзолари ҳамда комиссия раиси томонидан таъминланади. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.